



ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Закирова Нигора Холмаҳаматовна

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакатимизда оила мустаҳкамлигини таъминлаш давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг энг устувор вазифаларидан бири эканлиги тўғрисида сўз юритилган. Шу билан бирга бугунги кунда соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириши каби сайъи-ҳаракатларни амалга оширишида фуқаролик жамияти институтларининг ҳам фаолияти муҳимлиги таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: Оила, оила институти, оила ва никоҳ мустаҳкамлиги, оналик ва болалик, фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институтлари, демократик давлат, давлат сиёсати, ижтимоий шериклик, оила саломатлиги, соғлом муҳит.

Аннотация: в данной статье говорится о том, что обеспечение прочности семьи в нашей стране является одним из главных приоритетов социальной политики, проводимой нашим государством. В то же время, сегодня представлен анализ важности деятельности институтов гражданского общества в реализации действий, таких как формирование здоровой и крепкой семьи.

Ключевые слова: Семья, Институт семьи, прочность семьи и брака, материнство и детство, гражданское общество, институты гражданского общества, демократическое государство, государственная политика, социальное партнерство, здоровье семьи, здоровая окружающая среда.

Abstract: this article says that ensuring the strength of the family in our country is one of the main priorities of the social policy pursued by our state. At the same time, an analysis of the importance of the activities of civil society institutions in the implementation of say'i actions, such as the formation of a healthy and strong family, is presented today.

Keywords: Family, Family institution, family and marriage strength, motherhood and childhood, civil society, civil society institutions, democratic state, public policy, social partnership, family health, healthy environment.

Барчамизга маълумки, оила ҳаётнинг абадийлигини таъминлайдиган, ворислар ҳисобланмиш фарзандларнинг ота-она яъни аждодлар бошлаган ишнинг давом этишини амалга оширувчи муқаддас даргоҳдир. Бу муқаддас даргоҳ миллатнинг урф-одатларини сақлашга ва уни авлодларга етказиб беришга кўмаклашади. Шу билан бирга оила келажакда фарзандлар қандай инсон бўлиб етилишига таъсир кўрсатадиган тарбия масканидир, шунинг учун оила институтининг ижтимоий тараққиётдаги ўрни беҳисобдир.

Мамлакатимизда мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб то бугунги кунгача оила ва никоҳ мустаҳкамлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, бугунги кунга келиб Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш жараёнида оила институтини мустаҳкамлаш соҳасига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган куниданоқ фуқаролик жамияти қуришда оила институтининг аҳамияти ва ўрнини кучайтириш масаласига ҳам асосий эътибор қаратди. Бунинг яққол далили сифатида 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган беш устувор йўналишдан иборат “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни ва унинг 4.2 бандида – оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдамни кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш масаласи қўйилганлигини мисол келтиришимиз мумкин [1].

Бугунги глобаллашув даврида юқори ижтимоий тараққиётга эришиш учун фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек оила институтининг фаолияти доимо зарур ҳуқуқий-норматив база билан таъминлаб турилиши керак. Ушбу жараён мамлакатимизда давлатимиз сиёсатини ва қонунчилик базасини такомиллаштириш билан бирга, оила каби фуқаролик жамияти институтларининг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш ва барқарорликни таъминлаш имконини беради. Республикамиз Конституциясининг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” [2] деб тасдиқланган. Оилалар тинч-тотув яшашса, жамиятга келтирадиган ижобий ютуқлар кўпаяди, фарзандлар эса яхши тарбия олади. Оилага эса ғамхўрлик қилиш ва унга ҳар томонлама моддий ёрдам бериш, инсонпарвар демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг муҳим вазифасидан биридир. Шу сабабли мамлакатимиз Президенти томонидан 2018 йил 2 февралда ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармон оила институти ва шу соҳа бўйича фаолият олиб бораётган ташкилотларнинг имкониятларини яна бир

карра оширди. Бугунги кунга келиб республикамызда тахминан 500 дан ортиқ аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-хуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари билан шуғулланувчи ННТлар фаолият олиб бормоқда [3].

Оила, оналик ва болалик муҳофазасига оид кенг қўламли лойиҳаларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ижтимоий шериклик асосида амалга оширилаётган ишлар бунга яққол мисолдир. Ушбу фаолият доирасида маҳаллаларда саломатлик секторлари ташкил этилиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга оид ишлар кучайтирилмоқда. Бу жараёнда оиладаги маънавий-маърифий муҳитни мустаҳкамлаш, она-бола саломатлигига салбий таъсир этаётган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ана шундай кенг қамровли чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди [4]. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди, десак муболаға бўлмайди. Умуман олганда оилада ота ва она, яъни репродуктив ёшдаги эркак ва аёл саломат бўлгандагина соғлом фарзанд дунёга келиши мумкин. Буни ҳатто ўз даврида яхши тушунган буюк соҳибқирон Амир Темури наслнинг тоза бўлишига катта эътибор берган. Шунинг учун у ўғилларига келин олганида, энг аввало унинг насл-насабини атрофлича текширган ва соғ-саломат зотдан эканлигига амин бўлгандан кейин тўй қилишга рухсат берган. Куёвни эса тўйдан олдин парҳез қилишга мажбур қилган, ҳамда унинг чекмаслиги, май ичмаслиги, саёқ юрмаслиги зарурлиги назорат қилган. Чунки чиллани куёв ичса унинг қонида гиёҳвандлик таёқчалари сузиб юради. Чилла ичида агар келин ҳомиладор бўлса, ҳомилага бу касофат ёмон таъсир кўрсатади. Бугунги кунга келиб “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” деган ҳаётбахш қадрият ва олийжаноб ғояни жамиятимизда теран англаш ва қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаларида оила, айниқса она ва бола саломатлигини асрашда муҳим омил бўлган скрининг марказлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш кераклиги, бугунги ҳаётнинг ўзи талаб этаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Шунинг учун республикамыз барча туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси негизида босқичма-босқич туманлараро перинатал марказлар ташкил этилиши, уларнинг

замонавий тиббиёт ускуналари, юқори малакали кадрлар билан таъминланиши, тиббиёт фани ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда, жойлардаги тиббиёт муассасаларида касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича замонавий диагностика лабораторияларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек бу Мурожаатномада кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳарларда 16 минг оилага уй-жой олишга бошланғич бадал ва кредит фоизини қоплашга бюджетдан 1 триллион сўм субсидия ажратилиши кўзда тутилган [5]. Ушбу олиб борилаётган давлатимиз сиёсатининг асосий кўзда тутилган мақсади шуки, мамлакатимиз ва айниқса оилаларнинг тинчлиги, барқарорлиги ва мустақамлигини таъминлаш мақсадида уларни зарур уй-жойлар билан таъминлашдир. Чунки мамлакатимизда ҳар бир оила ва ҳар бир инсон Ватанимиз ичра ўзининг “кичик ватани”га – уй-жойига эга бўлса, шундагина ҳар бир оила ва ҳар бир инсон ўзининг кичик бир бахтига эришиши мумкин.

Умуман олганда оиланинг мустақам бўлиши, энг аввало оила аъзоларининг ахлоқийлик даражаси ва ундаги муҳитга боғлиқ. Қайси оилада соғлом муҳит ҳукм сурса, унинг равнақи, бахтлилиги таъминланган бўлади. Соғлом муҳит деганда биз фақат оиладаги инсонпарварлик, зиёлилик, ҳалоллик, ростгўйлик каби тамойиллар ва меъёрларга амал қилинишигина эмас, балки ватанпарварлик ҳислатлари, яъни оиланинг ҳар бир аъзоси, яъни ҳар бир фуқаронинг ўз Ватани олдидаги бурчларини тўлиқ адо этиши каби фазилатларнинг тўлиқ шаклланганлигини тушунишимиз керак. Бугунги кунга келиб давлатимиз сайёи-ҳаракатлари билан мамлакатимизда соғлом оила муҳитини шакллантириш ва жамиятимиз оилалари барча аъзоларида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, давлат қурилиши соҳасидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган умуммиллий сиёсатни рўёбга чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу чора-тадбирларни амалга ошириш эса Оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига боғлиқ бўлиб, уларни ушбу жараёнга кенг жалб этиш ва фаоллигини кучайтириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг истиқболдаги вазифалари сирасига киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бекмуродов М., Куронбоев Қ., Тангриев Л. *Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари*. Т.: Ғ.Ғулом, 2017, 68-бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2017, 12-бет.
3. Ўзбекистонда аёллар ташкилотлари.// Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси. Т.:2018, 2-бет.
4. <https://www.gazeta.uz/> интернет сайти.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://www.norma.uz/>